

Мамлакатни модернизациялаш

ЖАРАЁНИДА ОАВ МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

Йигирманчи асрнинг охирларига келиб сўзнинг қудрати амалий қиёфа касб этди. Ўзингиз ўйланг, бугун фикрни тарқатишга тўсиқ бўлгувчи бирор бир куч қолдими? Қолаверса, фикр дунёнинг бир бурчагидан иккинчи бир бурчагига ёруғлик тезлигида етиб бормоқда. “Медиакратия”, яъни оммавий ахборот воситаларининг ҳукмронлик мавқеи ҳақидаги тушунчаларнинг пайдо бўлиши, айти шу иборанинг кейинги пайтларда бот-бот тилга олинаётгани ҳам унинг кишилик жамиятида муҳим, ҳал қилувчи ролга эга бўлиб бораётганидан далолат. Албатта, ҳар қандай воситадан ҳар ким ҳар хил мақсадда фойдаланади.

ОАВ жамоатчилик фикрига таъсир қилишнинг энг самарали воситасига айланди. Президентимиз таъкидлаганларидек, “... энди совуқ урушлар даври ўтди”. Бу майдон ҳатто ядро полигонларидан-да хавфлироқ эканини, информацион хуружлар нишонига айланиб қолмаслик учун маънавий иммунитетни кучайтириш зарурлиги, жамиятда ҳам, инсон онгида ҳам бўшлиқ қолдирмаслик лозимлиги ҳақида бундан бир неча йил олдин Юртбошимиз ўзларининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...” номли асарларида бот-бот таъкидлаганлар.

Савол туғилади: хўш мана шундай шароитда бизнинг тутган истехкомимиз нимадан иборат бўлмоғи лозим. Шу ўринда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг: «...алар тош кўтариб чиқсалар, биз бош кўтариб чиқурмиз» деган сатрлари ёдга тушади. Сирасини айтганда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим деганда давлатимиз раҳбари шунини назарда тутган эдилар. Фикрга қарши унданда кучли фикримиз, бузғунчи ғояга қарши миллий ғоямизни илгари сура олиш қобилиятига эга бўлишимиз шартлиги ҳақида сабоқ берган эдилар.

Бу даъват шунчаки чақириқдан иборат бўлиб қолмади. Худди шу масала давлатимиз сиёсатининг устувор вазифасига айлангани ҳам баайни ҳақиқат. Ўзини ўзи бошқарув институтларини шакллантириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини таркиб топтириш, она ва бола муҳофазаси, оила равнақи, соғлом авлод тарбияси ва бошқа кўплаб йўналишларда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар сўзимизнинг яққол исботи бўлади. Таъкидлаш жоизки, қонунлар устувор бўлган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида авваламбор мамлакатимизнинг сиёсий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари яратилди. Бош қомусимизнинг ҳар бир боби, ҳар бир моддасида бунинг мисолини кўришимиз мумкин. Қиёслаб кўрганимизда эса у яна ҳам яққол намоён бўлади. Масалан, давлатимиз раҳбари ўз сўзларида бот-бот бир ҳақиқатни такрорлайдилар. Мамлакатимизда амалга

оширилаётган кенг кўламли ислохотлар пировардида бир мақсадга — инсон манфаатларига хизмат қилишини уқтирадилар. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 13-моддасида белгилаб қўйилган инсон шаъни ва унинг кадр-қиммати энг олий кадрият экани ҳақидаги жумлалар эса бунинг қонунларимиздаги ифодаси бўлса, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш йўлида олиб борилаётган янгиланиш жараёнлари том маънода юқоридаги сўзларнинг амалдаги тасдиғидир.

Муҳтарам Президентимизнинг 2010 йил 27 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишдек устувор вазифалар юзасидан сўзлаган маърузаларида бир қатор масалалар қатори ОАВларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва вазифасига юксак баҳо бериб, уни янада мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида қимматли фикр ва мулоҳазаларини баён этдилар. Бир нарсани тан олиш керакки, бу заруратни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Чунки эркин фуқаролик жамиятининг талабларидан бири фуқароларнинг ҳокимият бошқарув органларидаги иштирокини фаоллаштиришдан иборат экан, ҳозирда қонун чиқарувчи ижро ҳокимияти ёки суд ва назорат органлари ишини баҳолашда жамоатчилик фикри асосий мезон ҳисобланади ва бу вазифани тўғридан-тўғри ОАВ амалга оширади. Шунинг учун ҳам айни дамда мана шу соҳани янада такомиллаштириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг малакасини ошириш, уларнинг меҳнатларини рағбатлантириш ва тақдирлаш механизмларини жонлантириш баробарида медиамаҳсулотлар сифати ва таъсирчанлигини ошириш куннинг долзарб вазифасига айланди. Бугун дунё бозорида энг қиммат маҳсулот — фикр! Энг тезкор технология ҳам ахборот тарқатиш воситаларидир. Биргина интернет глобал тармоғини мисол тариқасида олайлик. Биз ундан имкон қадар кўпроқ жой эгаллашни, унинг фаолиятдан ўзимизнинг эзгу мақсадларимиз йўлида унумли фойдаланишни ўйлаганимиз кўпроқ наф келтиради.

Мамлакат сиёсий майдонида миллий манфаатларнинг ҳимоячиси сифатида фаолият юритаётган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Дастурида ҳам мазкур муҳим масала ўз аксини топган. Масалан, "партия ОАВ чинакам мустақиллиги ва фаолиятини бундан буён ҳам таъминлаб бориш, уларнинг мамлакат миллий манфаатларини ҳар томонлама илгари суришдаги, Ўзбекистон халқининг ноёб маданий ва маънавий кадриятларини тарғиб қилишдаги ролини ошириш, шунингдек янгиланиш ва модернизация қилиш жараёнларидаги таъсирчанлигини кучайтиришга муҳим аҳамият беради. Бунда журналист кадрлар тайёрлаш, миллий журналистика мактабини ривожлантириш, ахборот маконида соғлом рақобат ҳамда давлат ва шахснинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, фан ва техниканинг энг

янги ютуқлари асосида ОАВ моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади". Шу ўринда партия ва партия фракциясининг юқоридаги вазифаларни амалга ошириши масаласига тўхталадиган бўлсак, бу борада аллақачон амалий қадамлар ташланди деб айтиш мумкин. Айниқса, партиянинг матбуот органи бўлган "Миллий тикланиш" газетасида соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш бўйича таҳлилий материаллар берилди бошланди. Фракция аъзолари эса "Телерадиоэшиттириш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида.

Ҳар бир оммавий ахборот воситалари у газета бўладими, телерадио ёки интернет тармоғидаги сайтларимизми, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, юртимизда ва хорижда бўлаётган воқеаларни холисона ёритиш, медиамаҳсулотлар тайёрлашда журналистлар маҳоратини намоён этиш орқали халқимиз ҳаётида ўз кучига эга бўлмоғи лозим. Ўшанда одамлар қайсидир сиёсий кучлар томонидан молиялаштирилиб, ўшаларнинг ғаразли ниятларини амалга ошириб келаётган эфир тўлқинлари, босма ёки электрон-ахборот нашрларида босилаётган айрим ёлғон ва бўҳтондан иборат ахборотлар эмас, балки ўз матбуотимиз орқали тезкор ва холис ахборотга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондирадилар.

Шў ўринда мамлакатимизда шахс ва матбуот эркинлиги, унинг қонунлар доирасида эркин фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун кенг имкониятлар мавжудлиги ва бу мустақил телерадиоканалларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватланаётганида, нодавлат оммавий ахборот воситаларининг тобора кенгайиб бораётганлигида ўз аксини топаётганлигини таъкидлаш жоиз. Эндиги навбатда уларнинг фаолият доирасини янада кенгайтириш, таъсирчанлигини ошириш ва иқтисодий ҳамда ҳуқуқий асосларини таркиб топтириш вазифаси олдимизда кўндаланг бўлиб турибди. Президентимиз бу борада Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси олдига аниқ масалаларни қўйдилар ва бу муносабат халқимиз, айниқса, оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан илиқ кутиб олинди. Шу ўринда бир гап. Миллионлар қаршисида туриб фикр айтиш, ахборот тарқатиш шарафли касб. Модомики шундай экан, бундай имкон ва ишонч шу соҳа ходимларининг зиммасига бунданда улкан масъулият юклашнинг ҳам унутмасликлари керак. Жумладан, «медиақратия» матбуот бош-бошдоқлиги эмас, балки унга берилган ишонч тарзида қабул қилинмоғи, ОАВнинг бунга жавобан фаолияти юрт равнақи ва халқ манфаатларига муносиб хизмат қилишдан иборат бўлмоғи лозим.

Арслон Эшмуродов,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

“Milliy tiklanish” газетаси, 7 апрель 2010 йил, 14-сон